

АРАБ ЗИЁЛИЛАРИ МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИК УЧУН КУРАШДА

Юлдашева Хилола Абдулхаевна

Ф.ф.н. в.б. доцент. ТДШУ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада зиёлиларнинг араб адабиётида бадаший асарлар орқали миллий идентикликни сақлаш учун курашишидаги роли ёритилган. Мақола тарихий ва замонавий контекстларда кўриб чиқилган бўлиб, араб зиёлиларининг миллий идентикликни мустаҳкамлаш ва уни глобаллашув жараёнларида сақлаб қолишидаги стратегиялари таҳлил қилинган. Шунингдек, араб жамиятларидаги маънавий ва маданий ўзгаришларга зиёлиларнинг таъсири кўриб чиқилди. Миллий идентикликнинг муҳимлиги ва уни замонавий дунёда сақлаш учун зарур стратегиялар баён қилиниши орқали араб жамияти ва маданиятида зиёлиларнинг ўрни ва аҳамиятини чуқурроқ тушунишга имкон яратилди.

Калит сўзлар: *Зиёлилар, араб адабиёти, араб-мусулмон маданияти, араб идентиклиги.*

АННОТАЦИЯ

В этой статье освещается роль интеллигенции в борьбе за сохранение национальной идентичности посредством арабской литературы. Статья рассматривает в историческом и современном контекстах, стратегии арабской интеллигенции в укреплении национальной идентичности и ее сохранении в процессах глобализации. Также было рассмотрено влияние интеллигенции на духовные и культурные изменения в арабских обществах. Подчеркнув важность национальной идентичности и необходимых стратегий для ее сохранения в современном мире, стало возможным более глубокое понимание роли и значения интеллектуалов в арабском обществе и культуре.

Ключевые слова: *интеллектуалы, арабская литература, арабо-мусульманская культура, арабская идентичность.*

Глобаллашувнинг шиддатли ва кенг қамровли жараёнлари дунёнинг турли минтақаларида, жумладан араб мамлакатларида ҳам, миллий идентиклик ва маданиятни сақлаб қолиш муаммосини келтириб чиқармоқда. Араб зиёлилари, яъни араб маданиятининг маърифатпарвар, интеллектуал ва ижодий вакиллари турли соҳаларда, жумладан илм-фан, адабиёт, фалсафа, санъат ва сиёсатда муҳим рол ўйнайдилар. Уларнинг таъсири тарихан қадим замонлардан

бошланиб, ҳозирги кунгача давом этмоқда. Зиёлиларлар жамиятда синфий манфаатлар ва сиёсий гуруҳларнинг ривожланишини энг онгли, энг қатъий ва энг тўғри акс эттиргани ва ифодалагани учун ҳам зиёлилар деб аталади. Миллий идентикликни шакллантиришда зиёлилар ва маърифатпарварлар муҳим роль ўйнайди. “Турли даврлар одамлари ўзаро қанчалик фарқ қилмасинлар, улар ўзларига ўзлари ҳақида бир хил саволларни беришади — улар ҳаракат қилиш учун ўзлари ҳақида қандай ўйлаш кераклигини билишни хоҳлашади”, — деб ёзган К.Манҳеим . “Биз киммиз?” деган саволга жавоб индивидуал ва жамоавий ўлчовларга эга. Миллий идентикликни англаш ва шакллантириш жараёнида зиёлиларнинг иштироки алоҳида аҳамиятга эга. Зиёлиларни илмий жиҳатдан ўрганиш соҳасидаги таниқли мутахассис, фалсафа фанлари доктори, профессор В.М.Межуев таъкидлаганидек, зиёли жамиятда ҳар доим маълум бир билим ва ғоялар тизимининг ташувчиси ва тарғиботчиси вазифасини бажаради. Зиёлиларлардан сиёсатчи чиқиши хавфли, “чунки у ҳокимиятни ўз мафкураси билан айнанлаштиришга мойил” бўлади¹.

Олимларнинг таъкидлашича, “миллий модернга таниш бўлган идентикликлар глобал ижтимоий-сиёсий ва интеллектуал маконларда тобора кам натижа бермоқда”², аммо шу билан бирга, постмодернизм назариялари модернга глобал муқобил яратмайди, ҳозирги жамиятларни тавсифлаш учун универсал код тақдим этмайди: “глобал ёки кечки замонавий лойиҳасида илгари ҳукмрон бўлган иқтисодий ва ижтимоий миллатлар ва индустриал-синфий жамиятига хос бўлган идентикликни шакллантириш ва тавсифлаш усулларида мафкуравий жиҳатдан нейтралроқ бўлган маданий идентикликларга ўтилаётганини кузатиш мумкин. Одамлар ва жамиятлар ўртасидаги тафовутларни асосан маданият категориялари орқали ўйлаш ва тузиш бошланди. Шундай қилиб, идентиклик шакллантириш майдонидаги ўйин яна зиёлилар томонига ўтмоқда”³.

Араб дунёси ўзининг кўп асрлик тарихи давомида жаҳон илм-фани, маданияти ва цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган. Араб-мусулмон цивилизациясининг ақлий ва маънавий меросини шакллантиришда зиёлилар —

¹В. М. Межуев. История. Цивилизация. Культура. Опыт философского истолкования. СПбГУП. Санкт-Петербург. 2011г. С-440. 21 стр.

² Мартянов В. С. Конфликт идентичностей в политическом проекте модерна: мультикультурализм или ассимиляция? // Идентичность как предмет политического анализа. Сборник статей по итогам Всероссийской научно-теоретической конференции (ИМЭМО РАН, 21–22 октября 2010 г.) / Отв. ред. И. С. Семенов, Л. А. Фадеева. М.: ИМЭМО РАН, 2011. С. 36–42

³ Мартянов В.С. Конфликт идентичностей в политическом проекте модерна: мультикультурализм или ассимиляция? // Идентичность как предмет политического анализа. Сборник статей по итогам Всероссийской научно-теоретической конференции (ИМЭМО РАН, 21–22 октября 2010 г.) / Отв. ред. И.С.Семенов, Л.А.Фадеева. М.: ИМЭМО РАН, 2011. С. 36–42.

олимлар, мутафаккирлар, ёзувчилар, илоҳиётшунослар асосий роль ўйнади. Араб зиёлилари ўрта асрларда — илм-фан ва маданият юксалишининг, Наҳда даврида — уйғонишнинг, янги даврда эса миллий озодлик курашининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлди. Ғарб мустамлакачиларининг араб мамлакатларига бостириб кириши одатда ғарб цивилизацияси элементларининг барча ҳаёт соҳаларига кириб боришида дастлабки босқич ҳисобланади, бу эса чуқур маданий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар келтириб чиқаради. Мазкур босқин натижасида араб мамлакатлари анъанавий жамиятнинг феодал асосларидан янги — капиталистик муносабатларга ўтиш ёқасига келди. Мустамлакачилик шароитида араб халқлари илк бор ўз маданияти ва кундалик ҳаётидаги кўп асрлик анъаналарни ҳимоя қилиш зарурлигини англаб етдилар. Зиёлиларнинг саъй-ҳаракатлари билан жамиятда ватанпарварлик туйғулари кучайди, миллий озодлик ҳаракати мафқураси вужудга келди. Улар араб ва Европа маданиятини оқилона асосда яқинлаштириш тарафдори бўлиб, Ғарб ютуқларини ўрганиш зарурлигини таъкидладилар. Шунингдек улар Европа адабиётининг янги жанрлари бўлган роман, қисса, хикоя, замонавий драматургияни жорий қилиб, араб адабиётини бойитдилар. Янги адабиётнинг ёрқин намояндалари Рифаъа ат-Тахтавий, Муҳаммад Ҳусайн Ҳайкал, Жамолиддин ал-Афғоний, Аҳмад Шавқий, Халил Мутрон, Илйа Абу Модий эркин фикрларини киритиш орқали араб адабиётини янгиладилар.

Зиёлилар араб бирлиги ғояларини илгари сурган ҳолда миллий идентикликнинг шаклланишига катта ҳисса қўшдилар. Улар араб тилини миллий идентикликнинг энг муҳим мезони, деб ҳисоблаганлар ва уларнинг саъй-ҳаракатлари билан араб тили янги соҳаларда — матбуот, публицистика, бадиий адабиётда — ўз ўрнига эга бўлди. Улар анъанавий жамиятни янгилаш йўлини очиб бердилар, миллий ғоя ва янги адабиётга асос солдилар. Уларнинг маърифий фаолиятисиз замонавий араб дунёсининг маданий ва сиёсий тикланишини тасаввур қилиб бўлмайди.

Араб давлатларининг Усмонилар ва Европа давлатлари ҳукмронлигидан мустақил бўлиш учун кураши XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи ярмида авж олган пайтда араб зиёлилари тарихида янги саҳифа очилади. Бу даврдаги араб дунёсида миллий зиёлилар мустақил ижтимоий гуруҳ сифатида ўзини намоён қилади ва кўпчилик араблар онги ва кайфиятининг ифодачисига айланади.

Мисрликларнинг миллий онгини юксалтиришда ёзувчи ва драматург Тавфиқ ал-Ҳаким катта роль ўйнади. У ўз асарларида кескин ижтимоий муаммоларни кўтарди, ислоҳотлар қилишга, қоқоқликка қарши курашга

чақирди. 1950-йилларда Қоҳира адабиёт ва адабий танқид сиёсат билан кесишиб, маданий ва сиёсий ижод марказига ҳамда қизғин баҳс-мунозаралар майдонига айланди. Марокашлик танқидчи ва ёзувчи Муҳаммад Беррада ўзининг “Ҳеч қачон такрорланмайдиган ёз” номли хотираларида 1950-йиллар бошида Қоҳирада ўтказган беш йили ҳақида фикр юритади ва бу йиллар унинг ақлий ривожланишида асосий омил бўлганини таъкидлайди⁴. Ўша пайтда Қоҳира араб дунёсидаги янги адабий ҳаракатларнинг маркази бўлган ва Муҳаммад Беррада у ерда кўплаб атоқли араб ёзувчилари, шоир ва ёзувчилари, жумладан Нажиб Маҳфуз, Михаил Нуайме, Маҳмуд Мессадий, Юсуф Идрис, Сухайл Идрис ва Салаҳ Жаҳин билан учрашганини тасвирлайди.

Миср бўйлаб 1919–1921 йилларда тарқалган зиёлиларнинг мустамлакачиликка қарши норозилик чиқишлари протекторатни сақлаб қолишнинг иложи йўқлигини тушуниб етган Лондонни Қоҳира билан муносабатлар парадигмасини қайта кўриб чиқишга мажбур қилди. Натижада 1922-йил 28-февраль куни Миср чекланган суверенитетга эга бўлди. Гарчи кўрилган чала чоралар радикал миллиятчиларнинг норозилигига учраган бўлса-да, аммо жамиятда ҳукмронлик қилаётган мўътадил доиралар вакиллари батомом қонатлантирди. Мустақиллик учун кураш зиёлилар учун асосий мунозара мавзуси бўлмай қолди, унинг ўрнини бошқа масалалар, жумладан, Мисрнинг келажакдаги тараққиёт йўлини топиш эгаллади. Натижада Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари ўртасидаги даврда Ғарб йўлини танлашнинг мақсадга мувофиқлигини, Мисрнинг Европага яқинлигини исботлашга уринишлар зиёлилар орасида кучайди. Бундай ҳаракатлар бир қатор омиллар билан боғлиқ эди. Биринчидан, Мисрнинг ўша даврдаги дунёвий зиёлиларининг мутлақ кўпчилиги ё Ғарбда, ё ўтган даврларда мамлакатда ташкил этилган ғарб услубидаги муассасаларда таълим олган эди⁵. Бунинг натижасида Шарқ ва Миср зиёлилари Ғарб давлатларининг сиёсий институт ва ғояларини ўз халқларининг тараққиёти учун зарур ва чинакам ўрнатқуч деб билдилар.

Иккинчидан, XX асрнинг биринчи ярмида Миср шахрининг қиёфаси анча ўзгарди, кундалик ҳаётда Европадан олинган техника ютуқлари ва мода янгиликлари устунлик қилди. Мамлакатга Ғарб унсурларининг кириб келиш кўлами шунчалик катта эдики, бу ҳол зиёлилар вакиллари ғарблаштириш муваффақиятининг сабабларини ҳамда мисрликлар менталитетидаги уларга

⁴محمد برادة. مثل صيف لن يتكرر. وزارة الثقافة - الهيئة العامة لقصور الثقافة. 1999م. ص. 235. ص - 37

⁵ Левин З.И. Развитие общественной мысли на Востоке. Колониальный период. XIX–XX вв. М.: Наука, 1993. Стр. 26

янги воқеликка осонгина мослашиш имконини берган хусусиятларни излашга ундади.

Учинчидан, бир неча аср давом этган чет эл ҳукмронлигидан сўнг қисман бўлса-да мустақилликка эришилгани келажакда бу қайғули тажриба такрорланишига йўл қўймасликни энг муҳим вазифага айлантирди. Ҳаёт айнан Европа давлатлари моддий-техника базаси ва ижтимоий-сиёсий институтларини янгилаб, ривожланишда энг яхши натижаларни қўлга киритгани учун Осиё ва Африка минтақасидаги улкан ҳудудларни ўз ҳокимиятига бўйсундира олганини кўрсатди. Бу ҳақиқатнинг шубҳасизлиги мисрлик зиёлиларнинг кўпчилигини Ғарб давлатларининг йўлини тарғиб қилишга ундади.

Мамлакат зиёлиларининг Ғарбни Шарқдан устун қўювчи элитаси бу масалага бошқача қарайдиган ватандошларига ўз фикрларининг тўғрилигини исботлашга бир неча марта уриндилар. Икки жаҳон уруши ўртасидаги даврда пайдо бўлган кўплаб вариантлар орасида ижтимоий фикрдаги икки қарама-қарши оқим вакиллари — либерал қанот етакчиси Тоҳа Ҳусайн (1889–1973) тақдим этган далиллар энг қизиқ. Тоҳа Ҳусайннинг фикрича, мисрликларнинг ғарб ва шарқдаги қўшнилари билан алоқалари ҳар хил эканлигининг сабаби фикрлаш тарзининг мутлақо ўзгачалигидир. Бутун тарих давомида шарқнинг диний типдаги “ал-ақл аш-шарқия” фикрлаш тарзи ғарбнинг рационал типдаги “ал-ақл ал-ғарбия” фикрлаш тарзи билан рақобатлашиб келган. Бироқ, географик Шарқнинг баъзи мамлакатлари ақл ғалабасига бошқаларидан анча яқин бўлган. Тоҳа Ҳусайннинг фикрича, Миср улар орасида алоҳида ўринни эгаллаган бўлиб, у қадим замонлардан буён антик Юнонистон билан алоқалари орқали европача рационалликни ўзлаштирган ва шу боис Миср цивилизациясини шарқ цивилизациясига эмас, балки Европа мамлакатлари билан умумий бўлган Ўрта денгиз цивилизацияси гуруҳига киритиш тўғрироқ бўлади⁶.

Тоҳа Ҳусайн XX асрнинг 30-йилларида Мисрдан ташқарида ҳам танила бошлади, унинг номи ва ижоди Европа зиёлиларига ҳам маълум бўлди⁷. Тоҳа Ҳусайннинг “Мисрда маданиятнинг келажаги” китоби 1938 йилда нашрдан чиқди. Бу китобни ишонч билан Мисрда таълим ва маданиятни янгилаш режаси деб аташ мумкин. Муаллиф китобда ўз педагогик концепциясининг асосий назарий қоидаларини баён этган, араб педагогикасида илк бор шахсни ҳар томонлама ривожлантиришнинг аҳамияти масаласини кўтарган. Тоҳа Ҳусайн

⁶ حسين، طه. مستقبل الثقافة في مصر [أكبر ثقافة في مصر]. القاهرة: في المعارف، 2015. ص. 18

⁷ Собиров Э. К. Литературно- эстетические концепции Таха Хусейна (1889–1973) // Наука. 2012. № 2. С. 47

таълим тизимини ташкил қилиш, бошқариш ва ривожлантириш муаммоларига тўхталиб, таълимни демократлаштириш зарурлигини таъкидлайди, ушбу вазифани бажариш йўллари кўрсатади. У таълимни бирламчи зарурат деб ҳисоблайди, уни инсоннинг сув ёки ҳавога эҳтиёжи билан тенг кўради: “давлат миллий хавфсизликни таъминлашга қанчалик эътибор қаратса, таълим соҳасига ҳам шунчалик эътибор қаратиши зарур”⁸. Унинг назарида, таълимнинг мақсади одамларни камолотга, бошқа халқлар маданиятини ўрганишга ундаш, уларда бағрикенгликни тарбиялаш, миллатнинг бошқалардан ажралиб қолишига қарши курашиш ҳамда миллий ўзлигини сақлаб қолишдир. Унинг фикрича, таълимнинг вазифаси муайян билимларни беришгина эмас, балки ҳалоллик, ўз қадрини билиш, адолатпарварлик, инсонпарварлик, катталарни ҳурмат қилиш, ватанни севиш каби фазилатларга эга бўлган юксак ахлоқли шахсни тарбиялашдан иборат.

Ливан ижодкор зиёлилари орасида XXI аср бошларида қонли араб-исроил можароларини ҳам, 1968–1980-йиллардан 2006-йилгача Ливанда бўлган даҳшатли фуқаролар урушини ҳам бошидан ўтказган авлоднинг хавотирини акс эттирувчи овозлар тобора кўпроқ янгради. Бугунги глобаллашган дунёнинг деярли барча жиддий можароларига жалб этилган кўп конфессияли кичик мамлакатнинг ташвишу хавотирлари ҳозирги Ливан файласуф-социологи ва маданиятшуноси Суҳайл Фараҳнинг асарларида энг аниқ акс этирилган. У ўзининг “Маданиятлар мулоқоти ёки тўқнашуви: ҳолат ёки умид” асарида шундай ёзади:

“Глобализмни ифодаловчи асосий кучларнинг дунёда иқтисодиёт, маданият ва хулқ-атворнинг ягона моделини жорий этишга қаратилган жадал уринишларига қарамай, глобал майдонда қуйидаги энг муҳим ҳодисаларда намоён бўлаётган зиддиятли дуализм кучайиб бораётганини кўряпмиз:

а) Ғарб ва Шарқ давлатлари ўз аҳолисини ватанларида ушлаб қолишга қаттиқ уринаётганларига қарамай, камбағал Жануб мамлакатларидан “олтин миллиард” жамланган бой Шимол мамлакатларига муҳожирлар оқими кучайиб бораётганини кўрмоқдамиз. Мазкур муҳожирлар оқими нафақат ўз ватандошларига, балки муҳожирлар ўз хоҳиши билан бир қисмига айланган фаровон жамиятларга ҳам сон-саноксиз ижтимоий ва маданий муаммоларни юзага келтиради ва келтирмоқда.

б) келажакка нисбатан ишончсизлик ва ўз хавфсизлигидан хавотир сўнгги пайтларда аҳолиси нисбатан тинч яшаган бой давлатларнинг эшикларини қоқмоқда. Бутун дунё жамиятга ҳам, унинг аъзоларига ҳам чинакам хавф

⁸ حسين، طه. مستقبل الثقافة في مصر [أكبر ثقافة في مصر]. القاهرة: في المعارف، 2015. ص. 98

туғдираётган терроризм ҳодисасига дуч келмоқда. Хаёлий эмас, балки чинакам терроризм давлатлар ва бутун минтақалар хавфсизлигига путур етказмоқда”⁹.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

Араб зиёлилари кўп асрлар давомида фан, маданият ва жамият тараққиётида муҳим роль ўйнадилар. Араб цивилизацияси тарихидаги кўплаб муҳим ютуқ ва ўзгаришлар уларнинг ҳиссаси билан боғлиқ: тарихнинг ўрта асрлардан то ҳозирги кунгача бўлган барча босқичларида араб зиёлилари фан, маданият ва ижтимоий-сиёсий фикр тараққиётида ҳал қилувчи роль ўйнаган. Олим ва мутафаккирлар араб-мусулмон цивилизациясининг “олтин асрида” унинг гуллаб-яшнашига шароит яратдилар.

Наҳда даври зиёлилари анъанавий жамиятни модернизация қилишга йўл очдилар. Ёзувчи ва файласуфлар Янги даврда миллий озодлик курашига бошчилик қилдилар. Араб зиёлиларининг ниҳоятда катта ақлий саъй-ҳаракатларисиз на ўрта аср араб-мусулмон маданиятининг улкан ютуқларини, на XIX–XX асрларда унинг тикланишини ва на араб халқларининг мустақилликка эришишини тасаввур этиб бўлмайди. Зиёлиларнинг фидойилигисиз араб мамлакатларининг мустамлакачилик зулмидан қутулиши ва мустақилликка эришиши қийин кечган бўларди.

Араб зиёлиларининг шаклланиш жараёнини ўрганиш ва уларнинг миллий жамиятнинг ақлий ривожланишидаги ролини аниқлашда энг буюк зиёлиларнинг аҳоли дунёвий билимларини оширишда ва замонавий билимларни тарқатишда тутган ўрнини таҳлил қилган муаллифларнинг тадқиқотлари катта қизиқиш уйғотади. Ислоҳотчилик ғояларининг тарқалиши миллий озодлик ҳаракати мафкурасининг пайдо бўлиши ва араб мамлакатлари аҳолисида ватанпарварлик туйғуларининг кучайиши билан кечди. Араб халқларининг миллий ғояси, маданияти ва ўзига хослигини сақлаб қолишда зиёлилар асосий роль ўйнаган ва ўйнамоқда. Зиёлилар араб жамияти тараққиёти ва модернизациясининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (REFERENCES)

1. Левин З.И. Развитие общественной мысли на Востоке. Колониальный период. XIX–XX вв. М.: Наука, 1993. Стр. 26.
2. Левин З.И. Рыцарь свободной мысли. М.: ИВ РАН, 1998. Стр. 36.

⁹ Фарах, Сухейль. Цивилизации и религии: вопросы настоящего и будущего. Издание Международного Института Питирима Сорокина – Николая Кондратьева. www.inesnet.ru 2016 г. с. 18.

3. Манхейм К. Эссе о социологии культуры // Манхейм Карл. Избранное. Социология культуры. М.–СПБ., 2000. С. 95.
4. Мартьянов В.С. Конфликт идентичностей в политическом проекте модерна: мультикультурализм или ассимиляция? // Идентичность как предмет политического анализа. Сборник статей по итогам Всероссийской научно-теоретической конференции (ИМЭМО РАН, 21–22 октября 2010 г.) / Отв. ред. И. С. Семенов, Л. А. Фадеева. М.: ИМЭМО РАН, 2011. С. 36–42
5. Межуев В.М. История. Цивилизация. Культура. Опыт философского истолкования. СПбГУП. Санкт-Петербург. 2011г. С-440. 21 стр.
6. Собиров Э.К. Литературно- эстетические концепции Таха Хусейна (1889–1973) // Наука. 2012. № 2. С. 47.
7. Фарах Сухейль. Цивилизации и религии: вопросы настоящего и будущего. Издание Международного Института Питирима Сорокина – Николая Кондратьева. www.inesnet.ru 2016 г. с. 18.
8. Hourani A., Shehadi N. (eds.) *The Lebanese in the World: A Century of Emigration.* / Center for Lebanese Studies. London, 1992. 68 pp.
9. محمد برادة. مثل صيف لن يتكرر. وزارة الثقافة - الهيئة العامة لقصور الثقافة. 1999م. ص. 235. ص-37
10. حسين، طه. مستقبل الثقافة في مصر [أكبر ثقافة في مصر]. القاهرة: في المعارف، 2015. ص. 18
11. موسى سلامة. اليوم والغد. القاهرة: الهنداوي، 2019. ص. 135-136